



## ШОМУСАРОВ ШОРУСТАМ

Филология фанлари доктори, профессор, ТДШУ

## МИРЗАМУХАМЕДОВА ЗИЛОЛА

Ўқитувчи, Oriental университети

### Араб тилида ҳаракат феъллари ҳақида баъзи мулоҳазалар

Crossref doi: <https://doi.org/10.37547/os/vol-01issue-03-02>

**Аннотация.** Уибу мақолада араб ва ўзбек тилларида феъл сўз туркуми, унинг тилишунослар томонидан ўрганилиши, ҳар икки тилдаги ҳаракат феълларининг қиёсий лексик-семантик таҳлили қисқача тарзда ёритиб ўтилган. Араб тилидаги ҳаракат феълларининг лексик-семантик муносабатларини ўрганишида, улар ўртасидаги синонимлик, антонимлик каби феъллар маъносига таалуқти жиҳатларга алоҳида аҳамият бермоқ лозим. Араб тилидаги ҳаракат феъллари орасида полисемантик маъноларни англатувчи феъллар кўп учраб, улар баъзан ўзининг асл маъносига кўпланса, баъзан эса умуман бошқа маъноларда ҳам келади. Уибу феълларнинг қандай мазмунни ифодалаши эса, уларнинг қандай воқеа ёки ҳолат билан боғланганигига ҳам қарайди. Феълнинг дастлабки, асл маъносига асосан, субектнинг оддий ҳолати билан алоқадор бўлса, бошқа маънолари эса унинг эмоционал ҳолатини ифодалашига ҳизмат қиласди. Араб тилида ҳаракат феълларига таалуқти лексик-семантик муносабатларни ўрганишида, уибу феълларнинг қайси предлоглар билан бирга келаётганлигига ҳам алоҳида аҳамият бермоқ лозим, чунки муайян бир ҳаракат феъли иши-ҳаракат қаратилган обектнинг жонли ёки жонсиз эканлигига кўра ҳам турфа хил предлогни талаб қилиши мумкин. Синонимлик муносабатларида эса, ҳаракат феъллари иши-ҳаракатнинг қай даражада давом этганлигига, қандай мақсад билан амалга оширилганлигига ёки унинг қандай воситалар ёрдамида бажарилганлиги каби ҳолатларга кўра бир-бираидан фарқланади.

Ўзбек тилидаги “кељмоқ” ҳаракат феълининг араб тилида ифодаланишида, ўхшиаш ва фарқли жиҳатлар мавжуд эканлиги маълум бўлди. Ўзбек тилида уибу ҳаракат феълининг бош семаси анчагина содда кўриншида бўлсада, мазмунан араб тилидаги “кељмоқ” лексемасига деярли мос келади. Ўзбек тилида уибу феъл ўзи қаратилган обектнинг, асосан, тушиум, ўрин-пайт, чиқшии ва жўналии келишикларида келишини талаб қиласа, араб тилида улар тушиум келишиги ёки муайян келишик маъносини берувчи предлог билан ифодаланади. Ўзбек тилидаги “кељмоқ” феълига хос баъзи маъноларни ифодалашида, уларнинг айнан арабча муқобил вариантини кўллаши лозим бўлса, баъзи ҳолатларда эса ўзбек тилидаги уибу ҳаракат феълининг англатган маънолари араб тилида ҳам, айнан “кељмоқ” феъли билан ифодаланади, бироқ уибу ҳолатда араб тилида “кељмоқ” маъносини берувчи синоним феъллардан кутинган маънони ифодаловчи айнан бир феълни танлаш лозим.

**Таянч сўз ва иборалар:** феъл категорияси, феъл замонлари, феъл майтлари, феъл семантикаси, араб ва ўзбек тилишунослиги.

**Аннотация.** В статье кратко описан набор глаголов арабского и узбекского языков, его изучение лингвистами, сравнительный лексико-семантический анализ глаголов действия в обоих языках. При изучении лексико-семантических отношений глаголов действия в арабском языке особое внимание следует уделять аспектам, связанным со значением глаголов, таким как синонимы и антонимы между ними. Среди глаголов действия в арабском языке есть много глаголов, которые имеют многозначные значения, которые иногда используются в исходном значении, а иногда и в других значениях. Значение этих глаголов также зависит от события или ситуации, с которой они связаны. В то время как исходное первоначальное значение глагола в основном связано с нормальным состоянием испытуемого, другие значения служат для выражения его эмоционального состояния. При изучении лексико-семантических отношений, связанных с глаголами действия в арабском языке, особое внимание следует уделять предлогам этих глаголов, поскольку конкретный глагол действия зависит от того, является ли объект, на который направлено действие, одушевленным или неодушевленным. Требуется другой предлог. В синонимичных отношениях глаголы действия различаются по продолжительности действия, с какой целью оно было совершено или с помощью каких средств оно было выполнено.

Есть сходства и различия в выражении глагола «приходить» на узбекском языке в арабском языке. В узбекском языке основная семантика этого глагола действия довольно проста, но по содержанию практически идентична арабской лексеме «приходить». В узбекском языке этот глагол требует, чтобы объект, к которому он направлен, в основном использовался в глаголах инфинитива, местовремени, выхода и направления, тогда как в арабском языке они представлены предлогом, дающим значение инфинитива или определенного союза. При выражении некоторых значений глагола



«приходить» в узбекском языке необходимо использовать их арабскую альтернативу, а в некоторых случаях - значения этого глагола в узбекском языке. В арабском языке он также выражается глаголом «приходить», но в этом случае необходимо выбрать глагол, который выражает ожидаемое значение синонимических глаголов, которые означают «приходить» на арабском языке.

**Опорные слова и выражения:** категория глагола, времена глагола, наклонения глагола, семантика глагола, арабское и узбекское языкознание.

**Abstract.** This article briefly describes the set of verbs in Arabic and Uzbek, its study by linguists, comparative lexical-semantic analysis of action verbs in both languages. In the study of the lexical-semantic relations of action verbs in the Arabic language, special attention should be paid to aspects related to the meaning of verbs, such as synonyms and antonyms between them. Among the verbs of action in Arabic, there are many verbs that have polysemantic meanings, and sometimes they are used in their original meaning, and sometimes in other meanings as well. The meaning of these verbs also depends on the event or situation to which they are related. While the original, original meaning of the verb is mainly related to the normal state of the subject, other meanings serve to express his emotional state. In the study of lexical-semantic relations related to action verbs in Arabic, special attention should be paid to which prepositions these verbs come with, because a particular action verb depends on whether the object to which the action is directed is animate or inanimate. may require a different preposition. In synonymous relations, the verbs of action differ according to the extent to which the action lasted, for what purpose it was performed, or by what means it was performed.

There are similarities and differences in the expression of the verb "to come" in Uzbek in Arabic. In Uzbek, the main semantic of this action verb is quite simple, but the content is almost identical to the Arabic lexeme "to come". In Uzbek, this verb requires that the object to which it is directed come mainly in the infinitive, place-time, exit, and direction verbs, while in Arabic they are represented by a preposition giving the meaning of an infinitive or a definite conjunction. In expressing some of the meanings of the verb "to come" in the Uzbek language, it is necessary to use their Arabic alternative, and in some cases, the meanings of this verb in the Uzbek language. in Arabic it is also expressed by the verb "to come", but in this case it is necessary to choose a verb that expresses the expected meaning from the synonymous verbs that mean "to come" in Arabic.

**Keywords and expressions:** category, nutrients, soft tissue, soft tissue, Arabic and Uzbek linguistics.

Туркий тиллар, хусусан, ўзбек тилидаги ҳаракат феълларидаги лексик-семантик муносабатларни ўрганишда ушбу феълларнинг синонимлик ва антонимлик хусусиятлари алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбек тилидаги ҳаракат феълларининг синонимлик хусусиятлари ўрганилганда, кўп маънони касб этган бир ҳаракат феъли икки ёки ундан ортиқ маънога эга ўзаро синонимик қаторни ташкил этиши мумкинлиги маълум бўлди (*айнимоқ*, *бузулмоқ*). Ҳаракат феълларининг синонимик қаторига киравчи сўзлар тушунчанинг белгисини турли даражা билан ифодалаши мумкин. Синонимик қатордаги баъзи сўзлар белгини нормал даража билан ифодаласа, баъзилари кучли даражани кўрсатиши, айримлари эса белгини кучсиз даража билан ҳам ифодалаши мумкин (овора қилмоқ, сарсон қилмоқ, саргардон қилмоқ). Шунингдек, ҳаракат феълларининг синонимик хусусиятини ўргангандан, уларнинг эмосионал бўёқдорлигига кўра, адабий тилга ёки диалектларга хос бўлишига кўра, кўп ёки оз кўлланишишга кўра ўзаро фарқланишини ҳам хисобга олиш лозим<sup>1</sup>.

Ҳаракат феълларининг антонимлик хусусияти ўрганилганда, улар асосан белгини билдурувчи антоним сўзлардан (сифатлардан, равишлардан) ясалган феъллар бўлиши ойдинлашади (кенгаймоқ-тораймоқ, кўпаймоқ-озаймоқ, секинлашмоқ-тезлашмоқ). Бундан ташқари, антонимлар қарама-қарши ҳаракатни билдирувчи феъллар орасида ҳам мавжудлигини кўрамиз (бормоқ-келмоқ, кирмоқ-чикмоқ)<sup>2</sup>.

Ўзбек тилидаги феъллар лексик-грамматик хусусиятларига кўра мустақил ва ёрдамчи феълларга бўлинади.

Араб тилшунослигига феъл деганда ҳаракатни ифодалайдиган сўзлар тушунилади. Бундай сўзлар қатъийликни, янгиланиш ҳамда содир бўлишни ифодалайди. Араб тилшунос олимлари феълга шундай таъриф берадилар. “Феъл муайян бир ҳатти- ҳаракатни ифодалаб, ушбу ҳатти-

<sup>1</sup>Hojiyev A. O'zbek tili sinonimlarining izohli lug'ati.-Toshkent.- O'qituvchi, 1974

<sup>2</sup> Sh.Rahmatullayev, N.Mamatov, Shukurov R. O'zbek tili antonimlarning izohli lug'ti.-Toshkent: O'qituvchi, 1980



ҳаракат эгага ёки бирор бир воқеа-ҳодисага тегишили бўлади.” Доктор Мустафо Жамолиддин шундай дейди: “Фикримча, содир бўлиш ибораси феъл сўзининг рамзий маъносини ифодалайди. Шунингдек, бу ибора янгиланиш, ўзгариш маъносига ҳам бир мунча яқиндир”.

Машхур араб тилшуносларидан Ҳифни Носиф ўзининг “Ад-дурус ан-наҳвия” асарида феълга шундай таъриф беради:” Иш- ҳаракат замонни англатувчи хар бир сўз феъл деб аталади. Феъл уч қисмга бўлинади: ўтган замон , ҳозирги замон, буйруқ майли. Масалан: ёзди, ёзяпти, ёз!

Иш-ҳаракатнинг ўтган замонда содир бўлганини англатувчи феъл ўтган замон феъли (феъл мозий) деб аталади.

Иш-ҳаракатнинг ҳозирги- келаси замонда содир бўлганини англатувчи феъл ҳозирги замон (феъл мудориъ) деб аталади. Иш –ҳаракатда талаб буйруқ маъносини англатадиган феъл буйруқ майли (фиълу амрин) деб аталади.

Замонавий араб тилшунослари феълларни маъносига кўра бир неча гурухга бўладилар.

1. Бошланиш-макон ва замонга кириш маъносини ифодаловчи феъллар  
**(أفعال الشروع مثل بدأ، شرع، أخذ):**

2. Холат-белгини ифодаловчи феъллар **(الأفعال المفيدة للألوان و الحالة مثل إسود، أحمر، أعمى):**

3. Касб-хунар соҳалари доирасида қўлланувчи феъллар

**(أفعال المهن مثل حصد، زرع):**

4. Бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш маъносини ифодаловчи феъллар

**(الأفعال المفيدة الانتقال من الحالة الواحدة إلى الثانية):**

Араб олимларидан Сибавайхи, Доктор Мухаммад Довуд, Аҳмад Бериссул каби олимлар феъл ҳамда унинг маъновий гуруҳлари бўйича изланишлар олиб борганлар. Баъзи замонавий араб олимлари ҳаракат феълларининг бир гурухини “бодй лангуге” атамаси билан узвий боғлайдилар. Бунга кўра, инсоннинг айни вақтида содир этаётган ҳатти-ҳаракатлари юз ифодалари орқали унинг руҳий ҳолати ҳақида ҳам билиб олишимиз мумкин.

Шунингдек, атоқли араб тилшунос олимларидан Доктор Абдул Қодир Ҳусейн асарларида феълнинг араб тилига хос ҳосила боблари феълларининг маъно ва семантиқ, стилистик ҳамда морфологик жиҳатларини чукур ёритиб берган.

Шу билан бир қаторда, араб тили балоғат илмининг етук олимлари Абдул Мутаадийс Саидий, АсСайд Аҳмад Алҳашими, Доктор Шауқий Сайф каби араб тилшунослари араб тили грамматикасида аввало феълнинг ўрни ҳақида ва ҳар бир гапнинг асосида феъл туришини, араб тилидаги феълларнинг нозик жиҳатларини ,феъл вазнлари, аниқ ва мажхул даражада сифатдошлар, ўрин-жой номлари, курол-аслаҳа номлар кабиларни изоҳлаганлар.

Араб тилшунослигига феъл деганда ҳаракатни ифодалайдиган сўзлар тушунилиб, бундай сўзлар қатъийликни, янгиланиш ҳамда содир бўлишни ифодалайди. Тилшунослар, асосан, араб тилидаги феъл сўз туркумига анъанавий ёндашган ҳолда, уни морфологик жиҳатдан бафурча ўрганганлар. Бу мавзуга оид илмий маълумотларда феъллар бошланиш-макон ва замонга кириш маъносини ифодаловчи, ҳолат-белгини ифодаловчи, касб-хунар соҳалари доирасида қўлланувчи, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш маъносини ифодаловчи феълларга бўлинган, холос.

Араб изоҳли луғати - **اتى** да -**كَلْمَة** ҳаракат феълининг 24 та маъноси ифодаланган<sup>1</sup>.

- I. бирор бир киши келди. Буни англатган маънолари: **اتى الشخص**<sup>2</sup>-  
a) **جاء** маъносида – бир киши бирор бир яқин жойдан (пиёда) келди.  
b) **حضر** маъносида- бир киши бирор бир таклифга биноан келди.  
c) **وصل** маъносида- бир киши бирор бир транспорт воситасида келди  
d) **نزل** **حل** маъносида- бир киши келиб ўрнашди.

Масалан; *Ҳисоб куни эртами-кечми баривир келади*<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> [https://www.almaany.com/ar/dict/ar-ar/ آتى/](https://www.almaany.com/ar/dict/ar-ar/)

<sup>2</sup> [https://www.almaany.com/ar/dict/ar-ar/ آتى/](https://www.almaany.com/ar/dict/ar-ar/)

<sup>3</sup> [https://www.almaany.com/ar/dict/ar-ar/ آتى/](https://www.almaany.com/ar/dict/ar-ar/)





Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, араб тилидаги харакат феъллари ўзбек тилида бир оз бошқача ифодаланади. Араб тилида келмоқ феъли бир неча синонимлари мавжуд бўлиб, улар вазият, сабабларга кўра бир-биридан фарқланади. Араб тилида биргина феълнинг ўзи кенгайтирган маънони ўз ичига қамраб олса, ўзбек тилида эса, келмоқ феълинин бошқа сўзлар билан биргаликда қўллаб, сабаб, вазият, ҳолатларни ифодалаш мумкин.

## II. اتى **feъlini ИВ** боб феъли вазнида келиши :

Бермоқ, хосил бермоқ, мевалар бермоқ

(3) .- آتاه الله رزق عمیما: أعطاه - Аллоҳ унга тўлиқ ризқ берди: унга берди

(4) .- آتاه النعم : ساقها إلیه - унга неъматларини берди: унга етказди

(5) .- آتاه غداءه : أتى به إلیه - унга тушлигини келтириб берди: уни унга келтириб берди.

Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, **اتى** келмоқ феъли **ب** предлоги билан биргаликда келганда *олиб келмоқ, келтириб бермоқ* маъносида келади.

**آتى الزکاة : أداها<sup>1</sup>** .-

Араб тилидаги феъл бобларининг маъноларини ўзбек тилидаги феълнинг нисбат ва майл шакллари ифодалайди. **اتى** келмоқ феъли ўзининг асл маъносидан ташқари юқорида кўрсатиб ўтилган маъноларини ҳам билдиради. Шуниси эътиборга моликки, бундай маънолар кўп ҳолларда муайян иборалар таркибида келади. Ўзбек тилида ҳам келмоқ феъли ўзининг хос семасидан ташқари бошқа қўшимча маъноларни ҳам ифодаланишини кўриб чиқдик. **اتى** феъли араб тилида кўлланганда, баъзи ҳолатларда ундан кейин воситасиз тўлдирувчи ёки воситали тўлдирувчи келади. Бундай ҳолатда турган сўз бирималари ўзбек тилида асосан, жўналиш ҳамда тушум келишиклари орқали ифодаланади.

III. اتى **feъli ИИИ** боб феъли вазнида келганда, ўзбек тилида ярашмоқ, ёндашмоқ, мос келмоқ, рози қилмоқ маъноларини беради. ИИИ боб феъли икки киши ўртасида амалга ошган ҳатти-ҳаракатни билдиради, бироқ **اتى** феъли ишбу бобда келганда ҳатти-ҳаракатнинг бировга нисбатан ўтказилаётганини яъни бошқача қилиб айтганда, орттирма нисбатни билдиради. Араб тилида ИИИ боб вазнида келган **اتى** феъли воситасиз тўлдирувчи ҳамда **على** предроги билаб бирга келса, у ўзбек тилида кимнидир нимагадир “кўндиromoқ, рози қилмоқ” маъноларини ифодлайди.

**آتاه على الأمر** - Уни ишга кўнди (рози қилди) .

**وافقه ، جاراه ، طاوุه اتى** **feъllar** билан синоним бўлади ҳамда ушбу феъллар барчасининг маъноси “кўндиromoқ, рози қилмоқ” ни билдиради.

**وافتہ ، سنت لہ اتے الفرصة** - У бу имконга кўнди, Унга имкон туғилди<sup>2</sup>.

Шуниси қизиқки, И боб феъли шаклида турган **اتى** келмоқ феъли **على** предлоги билан бирга келса, у ўзбек тилида йўқ қилмоқ, битирмоқ, тугатмоқ, йўқотмоқ, қириб ташламоқ маъносида келади.

IV. اتى بـه - “уни олиб келмоқ” маъносида . - **اتى بـه** - “уни олиб келанди” **أحضره، جلبه، جاء به** . - **جاء به** - “ниманидир олиб келмоқ” маъносини билдиради ҳамда ушбу феълга **أصله** феъллари синоним бўла олади. Араб тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам ушбу феъллар умумий битта “олиб келмоқ” маъносини англатсада, улар қўлланиш ҳолатига кўра бир-биридан фарқланади. Масалан,

**جاء به** - уни пиёда олиб келди ёки уни келтирди (пиёда)

**جلبه** - чет элдан молларни олиб келмоқ

**أحضره** - кимнингдир таклифига биноан уни олиб келмоқ

**أصله** - уни транспортда келтирди ёки олиб келди

**لم يأت بجديد في بحثه** - у ўзининг илмий ишида бирор бир янгилик келтирмади

**أتى بخطة جديدة** 1) У янги режани келтирди

2) У янги режани бажарди

<sup>1</sup> [https://www.almaany.com/ar/dict/ar-ar/\\_اتى\\_/](https://www.almaany.com/ar/dict/ar-ar/_اتى_/)

<sup>2</sup> [https://www.almaany.com/ar/dict/ar-ar/\\_اتى\\_/](https://www.almaany.com/ar/dict/ar-ar/_اتى_/)



**أَتِي بِمَلْحُوظَةِ غَيْرِ مُتَوْقَعَةٍ**<sup>١</sup> - у кутилмаган янги фикрни олиб келди  
**V. أَتَى الصَّلَاةَ دَبَارًا** – намозни қазо қилиб адо этмоқ (ибора)  
**أَيْ بَعْدَمَا فَاتَ الْوَقْتُ** - أي یعني، вақт ўтиб кетганидан кейин намозни адо этмоқ  
**لَا يَقْبَلُ اللَّهُ صَلَاتَ رَجُلٍ أَتَى وَ الصَّلَاةُ دَبَارٌ** – Аллоҳ ибодатининг вақтини ўтказиб адо этган инсоннинг намозини қабул қилмайди

Араб тилида келмоқ феъли **الصلوة** яъни, намоз сўзи билан келганда, адо этмоқ, бажармоқ маъноларини англатади.

**أَتِيَ الْأَمْرُ**<sup>٢</sup> – маъносини ушбу арабча иборанинг ўзбек тилида амр “буйруқ к– билдиради, ҳамда **أَتِي قَرْبَ دَنَا** – яқинлашмоқ, **حَان** – вақти бўлмоқ феъллари билан синоним бўлиб келади. **أَتِي** феъли вақтни ифодаловчи сўз билан ёнмаён келганда, “яқинлашмоқ” деган маънони беради.

**أَتِي حَان ، قَرْبَ دَنَا** "أَتِي أَمْرُ اللَّهِ فَلَا تَسْتَعْجِلُوهُ" ساعته – вақти келди, яқинлашди. “Аллоҳнинг амри келди (тушди), шошилманглар” унинг вақти-соати келди.

**VII. أَتَى الزَّكَاةَ :** – шунингдек, **أَتِي الْفَقْهِيَّةَ** ( **مَصْطَلَحَاتُ فَقْهِيَّةٍ** ) иборалар таркибида ҳам келади, бироқ бу феъл бундай иборалар таркибида келганда: келмоқ” маъносини эмас, балки бермоқ, адо этмоқ маъноларини билдиради. Масалан, закот бермоқ

**أَعْطَاهَا وَأَدَاهَا**<sup>٣</sup> – закот бермоқ, закотни адо этмоқ

**VIII. أَتَى الْمَالَ :** – **أَتِيَ الْمَالُ** ( **مَصْطَلَحَاتُ فَقْهِيَّةٍ** ) – “пул сарфламоқ” иборасида феъли мутлақо бошқа маънони акс эттиради. Аммо, бу иборанинг асосий маъноси асл маъноси замирида яхшилик қилиш мақсадида пул сарфлаш мазмунини ифодалайди.

**أَنْفَقَ الْمَالَ** – эҳсон қилмоқ

**IX. أَتَى الْبَهَانَ** – бўхтон қилмоқ.

**X. الْبَاطِلُ** – бўлмаган, йўлғон нарсани гапирмоқ

**الْزَّيفُ** – ёлғон гапирмоқ

**هَذَا بَهَانَ عَظِيمٌ** (قرآن) – бу катта бўхтондир. (Нур сураси 16-оят)

Баъзи бир холатларда **أَتِي** феъли салбий ҳарактерга эга бўлган мавҳум отлар билан келганда, “қилмоқ” маъносини билдиради. Юқоридаги, X ва XI бандларда келтирилган иборалар бунга мисол бўла олади.

**X. أَتِي بِالْقَادُورَةِ** – жирканч иш қилмоқ

**بالْفَاحِشَةِ**<sup>٤</sup> – фахш иш қилмоқ

**XI. أَتِي بِالْقُولِ الْفَصْلِ** – ҳал қилувчи гапни айтмоқ (келтирмоқ)

**اتِي بالحقِ البَيْنِ** – аниқ, равшан ҳақиқатни келтирмоқ. Ушбу мисоллардан маълум бўладики, **اتِي** феъли предлоги билан келганда, “ниманидир келтирмоқ” маъносини англатади.

**XII. أَتِي بِأَفْكَارٍ وَآرَاءٍ مُنْطَقِيَّةٍ** – мантикий ўй-фикрларни келтирмоқ

**ـ مَعْقُولَةٌ، تَعْتمَدُ عَلَى الْعُقْلِ، أَيْ تَنْتَقِلُ مِنْ مَقْدَمَاتٍ إِلَى نَتْأَجٍ صَحِيقٍ**<sup>٥</sup>. – “ақлга таянадиган”, яъни бошланғич фикрлардан тўғри натижаларга олиб борадиган мантикий фикрларни билдирмоқ (келтирмоқ).

**XIII. أَتِي بِطَمِ** – иборасининг сўзма- сўз таржимаси “ катта микдордаги сувни олиб келмоқ” маъносини билдиради, аммо бу инсоннинг ўта ҳайратланганлиги ҳолатига кўлланади.

**يَعْجِبُ عَجِيبٍ**<sup>٦</sup> – жуда ҳам ҳайратланмоқ

**XIV. أَتِي بِعَتْبٍ**<sup>٧</sup> – таъна қилмоқ

**ـ بِنَقْصٍ وَفَسَادٍ** – юзига солмоқ ( бирор бир кимсанинг камчиликларини ва аҳлоқсизлигини гапирмоқ)

<sup>١</sup> <https://www.almaany.com/ar/dict/ar-ar/> **اتِي**

<sup>٢</sup> "معجم المعانى الجامع"

<sup>٣</sup> <https://www.almaany.com/ar/dict/ar-ar/> **اتِي**

<sup>٤</sup> <https://www.almaany.com/ar/dict/ar-ar/> **اتِي**

<sup>٥</sup> <https://www.almaany.com/ar/dict/ar-ar/> **اتِي**

<sup>٦</sup> <https://www.almaany.com/ar/dict/ar-ar/> **اتِي**

<sup>٧</sup> "معجم المعانى الجامع"

XV. **أَتَى بِعُوْرَاءَ** - арабча иборанинг сўзма –сўз таржимаси “бир кўзли одамни келтирмоқ” маъносини беради. Бу ибора инсонларга ёқимсиз бўлган нарсаларни гапириши ёки шундай хусусиятга эга бўлган ишларни қилиш маъносини беради.

**بِكَلْمَةٍ شَنِيعَةٍ، قَبِيْحَةٍ، الْفَلْعَةِ الشَّنِيعَةِ** - хунук ва жирканч гапни гапирмоқ ёки жирканч иш қилмоқ XVI. **أَتَى بِكَلَامٍ عَوِيْصٍ** - чалкаш гапирмоқ

**كَلَامٌ يَصْعَبُ فَهْمَهُ . قَضَايَا عَوِيْصَةٍ وَاجْهٌ مَسَالَةٌ عَوِيْصَةٍ.** - тушуниш учун қийин бўлган гапларни гапирмоқ, чалкаш муаммолар. У чигал масалага дуч келди.

XVII. **أَتَى بِمَسْوَغٍ** - ўринли сабабни келтирмоқ

**بِمَبْرَرٍ** - оқламоқ (бирор бир нарса ёки нарса воситасида кимнидир оқламоқ)

XVIII. **أَتَى بِمُنْكَرٍ فَاحْشٍ** - қайтарилган фаҳш ишни қилмоқ

**مَا يَأْتِي بِهِ الْإِنْسَانُ مِنْ قَوْلٍ أَوْ فَعْلٍ مُخَالَفٍ لِلشَّرْعِ وَ اَوْامِرِ اللَّهِ** - инсоннинг Аллоҳ амларига ҳамда шариатга қарши бирор бир гапни гапириши ёки бирор бир ҳатти- ҳаракатни қилиши

XIX. **أَتَى بِنَامُوسٍ عَجِيبٍ** – ажойиб қонунни келтирмоқ (ибора). Ушбу иборада сўзи “хйила” ва “топқирлик”, “сиёsat” маъносида келган.

**أَتَى بِحِيلَةٍ** - ажойиб сиёsatни ишлатмоқ.

**أَتَى بِمَهَارَةٍ** - бор маҳоратини ишга солмоқ

**ظَنَ الْجَمِيعُ أَنَّهُ سَيَعُودُ لِمَعَارِفٍ وَنَوَامِيسٍ تَقْلِبُ الْأَحْجَارَ** -барча уни тошларни остин-устин қилиб юборадиган топқирлиги ва таниш- билишларига қайтади, деб ўйлади. Баъзи ҳолларда **أَتَى** феъли ب предлоги ҳамда нутқ фаолияти билан боғлиқ сўзлар сўзи билан бирга келганда гапирмоқ маъносини беради.

XX. **أَتَى رِجْزًا** - нопок ишларни қилмоқ. Бу ерда (1.Аллоҳ томонидан берилган жазо.

2. ифлослик, нопоклик) сўзи хунук иш маъносида келган.

**عَمْلًا قَبِيْحًا، فَقْرًا** - нопок , ёмон ишларни қилмоқ

XXI. **أَتَى فَعْلًا فَاحْشًا** - фаҳш ишни қилмоқ. Бу иборада фаҳш, хунук бирор бир ишни қилмоқ ёки ёмон гапларни гапирмоқ.

**أَتَى سِيَناً، قَبِيْحًا** - ёмон иш қилмоқ

**كَلَامٌ فَاحْشٌ لِحْنٍ فَاحْشٍ** - фаҳш (ёмон) гапларни гапирмоқ

XXII. **أَتَى الرَّجُلَ** - киши келди.

**جَاءَ يَأْتِيْكَ كُلَّ خَدْ بِمَا فِيهِ (مَثْلًا).** -хар бир эртанги кун ўзининг ичидаги нарсалар билан сенга келади.

XXIII. **أَتَى بِالْبَيِّنَةِ الْوَاضِحةِ**<sup>2</sup> – аниқ исботни келтирмоқ. Ушбу иборада – **الْبَيِّنَةُ**, яъни “исбот” далил, хужжат маъносида келган.

**الْحَجَةُ، الدَّلِيلُ** - хужжат, далилни келтирмоқ

**أَتَى بِعَمَلٍ خَبِيْثٍ**<sup>3</sup> – ярамас ишни қилмоқ

**فَاسِدٌ، كُرِيْهٌ، رَدِيْعٌ** - фисқу-фасод, жуда ёмон, ёқимсиз , ножўя иш

Бундан ташқари, **أَتَى** - келмоқ феълининг бир неча синонимлари ҳам мавжуддир. Ушбу синоним феъллар қўлланиш вазиятига кўра бир-биридан фарқланади. Масалан;

**قَمْ** - Узок жойдан келмоқ

Катта ҳоҳиш билан келмоқ –**أَقْبَلَ**

Таклифига биноан келмоқ - **حَضَرَ**

Бирор бир яхши мақсадда келмоқ - **زار**

Кечқурин (тунда) келмоқ - **طَرَقَ**

Кутимагандекелмоқ - **غَشِيَ**

Йўлдаги бирор бир нарсадан хавотир олиб келмоқ – **وَافَى**

Сувни заҳира қилиб олиб қўйиш мақсадида келмоқ - **وَرَدَ**

Жамоа билан (гурух бўлиб) келмоқ - **وَفَدَ**

Пиёда келмоқ - **جَاءَ**

Машинадекелмоқ - **وَصَلَ**

<sup>1</sup> "معجم المعاني الجامع"

<sup>2</sup> <https://www.almaany.com/ar/dict/ar-ar/> **أَتَى**

<sup>3</sup> <https://www.almaany.com/ar/dict/ar-ar/> **أَتَى**



أَقْبَلَ، تَمَّ، جَاءَ، حَدَثَ، حَصَنَ، حَرَى، طَرَقَ، عَشِيٌّ، وَافِيٌّ، وَافِيٌّ، وَفَدَ، وَقَعَ، حَضَرَ، اجْتَبَى<sup>1</sup>، سَاقَ، أَقْبَلَ، قَدِيمٌ

Келмоқ – اتى феълининг синонимлари: Шундай қилиб, араб тилидаги ҳаракат феъллари семантик жиҳатдан таҳлил қилинганда, улар орасида полисемантик маъноларни англатувчи феъллар кўплиги аниқланди. Бундай феъллар гапда баъзан ўзининг асл маъносида, баъзан эса умуман бошка маъноларда ҳам келади. Ушбу феъллар ифодалаётган маъно-мазмун, уларнинг қандай воқеа ёки ҳолат билан боғланганлигига ҳам қарайди. Феълнинг асл маъноси асосан, субектнинг оддий ҳолати билан алоқадор бўлса, бошқа маънолари эса унинг эмоционал ҳолатини ифодалашга ҳизмат қиласи. Шунингдек, араб тилида ҳаракат феълларининг қайси предлоглар билан бирга келаётганлигини ҳам алоҳида эътиборга олиш лозим, чунки иш-ҳаракат қаратилган обектнинг жонли ёки жонсиз эканлигига кўра ҳам, ҳаракат феъли ҳар хил предлогларни талаб қилиши мумкин. Синонимлик муносабатларида эса, ҳаракат феъллари иш-ҳаракатнинг қай даражада давом этганлигига, қандай мақсад билан амалга оширилганлигига ёки унинг қандай воситалар ёрдамида бажарилганлиги каби ҳолатларга кўра бир-биридан фарқланади.

Ўзбек ва араб тилларидаги “келмоқ” ҳаракат феъли ўзаро қиёсланганда, ҳар икки тилда ҳам бундай феълларнинг ифодаланишида ўхшаш ва фарқли жиҳатлар мавжуд эканлиги аниқланди. Ўзбек тилида мазкур ҳаракат феълининг бош семаси анчагина содда кўринишда бўлсада, мазмунан араб тилидаги “келмоқ” лексемасига деярли мос келади. Ўзбек тилида ушбу феъл ўзи қаратилган обектнинг тушум, ўрин-пайт, чиқиши ва жўналиш келишикларида келишини талаб қилса, араб тилида улар тушум келишиги ёки муйян келишик маъносини берувчи предлог билан ифодаланади. Араб тилида ўзбек тилидаги “келмоқ” феълига хос баъзи маъноларни ифодалашда, уларнинг айнан арабча муқобил вариантини қўллаш лозим бўлса, баъзи ҳолатларда эса ўзбек тилидаги ушбу ҳаракат феълининг англатган маънолари араб тилида ҳам, айнан шу маъно билан ифодаланади, бироқ ушбу ҳолатда араб тилида “келмоқ” маъносини берувчи синоним феъллардан кутилган маънони ифодаловчи айнан бир феълни танлаш лозим.

<sup>1</sup> <https://www.almaany.com/ar/dict/ar-ar/>

